

Ҳ У К М
Ўзбекистон Республикаси номидан

2020 йил сентябрь ойининг 22-куни жиноят ишлари бўйича Қамаш туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, шу суднинг раиси Ф.Қамбарованинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Жумаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қамаш туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Фармонов, судланувчи Б.Б ва унинг химоячиси-адвокат М.Шаймарданова, жабрланувчилар Б.Шойимов, А.Чоршанбиев, Э.Бойбутаев, С.Ҳақназаров, Х.Шаймуратов, А.Маматов, Б.Исमतов, А.Бозоров, Ш.Қиличев, Р.Абраев, Б.Бекмуродов, Қ.Рустамов, Р.Худойназаров, А.Хайитов, М.Хомидова, А.Пулатов, Ш.Буранова, Р.Сотторова, Т.Шерматов, С.Шеркулов, И.Мирзаев, Э.Шерназаров, О.Хусанова, Р.Жовлиев, У.Буриев, И.Пардаев, Ш.Холияров, С.Салимова, О.Келдиёрова, Н.Бойманов, Б.Шукуров, Ф.Халиқова, Д.Муродова, Г.Арабова, Б.Дубаков, Б.Норбоев, Д.Артиқова, Ш.Бобоназаров, Ш.Холмирзаева, У.Хидиров, Г.Хамидова, Г.Ахмадова, А.Қурбонов, Г.Фармонова, Б.Тураева, М.Авлакулова, С.Кучимова, Г.Эшмаматоваларнинг иштирокида Б.Бга оид [REDACTED] сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Б.Б [REDACTED] куни Қашқадарё вилояти, Қамаш туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, 4 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти Қамаш тумани бўлимида “Энергия ресурслари, сув ва маиший чиқиндилар бўйича қарздорликни ундириш ва назорат қилиш шўъбаси” давлат инспектори вазифасида ишлаган, ҳозирда вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қамаш тумани, “[REDACTED]” МФЙ, [REDACTED] кўчаси [REDACTED]-уйда яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасининг нусхасини 2020 йил 5 июль куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари айбланган.

Суд, суд муҳокамаси давомида жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириб, судланувчи ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафларнинг музокараларини ва судланувчининг охирги сўзини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб, йиғилган ишончли далилларга асосланиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и ;

Б.Б, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти Қамаш тумани бўлимида “Энергия ресурслари, сув ва маиший чиқиндилар бўйича қарздорликни



ундириш ва назорат қилиш шўъбаси” давлат инспектори вазифасида ишлаб келиб, ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, алдаш ва ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан ўзгаларнинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, [REDACTED] куни Қамаш тумани Электр таъминоти корхонасига электр энергиясидан бўлган қарздорлигини тўлаш учун борган Б.Шойимовнинг ишончига кириб, хизмат мавқеидан фойдаланиб, электр энергиядан бўлган қарздорликларни қабул қилиб олаётганини айтиб, Б.Шойимовдан электр энергиясидан бўлган қарздорлиги учун 23.000 сўм пулларни олиб, тўлов дафтарчасига 23.000 сўм нақд пул тўланганлиги ҳақида қвитанция ёзиб, тўлов қвитанциясига ўзида бўлган қўл бола усулда тайёрланган “Б.Б” деган муҳрни қўйиб бериб, фирибгарлик йўли билан Б.Шойимовнинг 23.000 сўм пулларни қўлга киритиб;

Б.Б ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, [REDACTED] куни Қамаш тумани “Баландчайла” МФЙ, Чамбил қишлоғида А.Чоршанбиевга электр энергиясидан бўлган қарздорлигини тўлашини айтиб, А.Чоршанбиевдан электр энергиядан бўлган илгариги қарздорлик учун 100.000 сўм ва жорий қарздорлик учун 515.000 сўм, жами 615.000 сўм пулларини;

[REDACTED] куни Қамаш тумани “Ғиштли” МФЙ, Халқобод қишлоғида Э.Бойбутаевдан 100.000 сўм пулларини

[REDACTED] октябрь куни Қамаш тумани “Бунёдкор” МФЙ, Ҳунарманд кўчасида С.Ҳақназаровдан 300.000 сўм пулларини;

[REDACTED] ноябрь куни Қамаш тумани “Оқгузар” МФЙ, Оқгузар қишлоғида яшовчи Ҳ.Шаймуратовдан 46.000 сўм пулларини;

[REDACTED] ноябрь куни Қамаш тумани “Баландчайла” МФЙ, Баландчайла қишлоғида А.Маматовдан 30.000 сўм пулларини;

[REDACTED] декабрь куни Қамаш тумани “Самарқанд” МФЙ, Б.Исмамов кўчасида яшовчи У.Халматовадан 100.000 сўм пулларини;

[REDACTED] январь куни Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи А.Бозоровдан 300.000 сўм пулларини;

[REDACTED] февраль куни Қамаш тумани “Бунёдкор” МФЙ, Тадбиркоркўчасида яшовчи Ж.Қиличевдан 100.000 сўм пулларини;

[REDACTED] февраль куни Қамаш тумани “Нуробод” МФЙ, Нуробод кўчасида яшовчи Р.Абраевдан 205.000 сўм пулларини;

[REDACTED] март куни Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Б.Бекмуродовдан 50.000 сўм пулларини ва Қамаш тумани “Майда” МФЙ, Майда қишлоғида яшовчи Қ.Рустамовдан 125.000 сўм пулларини;

[REDACTED] апрель куни Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ, Саховат кўчаси 1-уйда яшовчи Р.Худойназаровдан 64.000 сўм пулларини;

[REDACTED] апрель куни Қамаш тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи А.Хайитовдан 100.000 сўм пулларини;

[REDACTED] апрель куни Қамаш тумани “Савсантепа” МФЙ, Савсантепа қишлоғида яшовчи М.Хомидовадан 450.000 сўм пулларини;



апрель куни Қамаши тумани “Зафар” МФЙ, А.Темур кўчасида яшовчи А.Пулатовдан 80.000 сўм пулларини;

май куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Ш.Буроновдан 100.000 сўм пулларини ва май куни 200.000 сўм жами 300.000 сўм пулларини;

май куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Р.Сотторовдан 135.000 сўм пулларини;

май куни Қамаши тумани “Саркач” МФЙ, Саркач қишлоғида яшовчи Т.Шерматовдан 25.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Баландчайла” МФЙ, Чимқурғон қишлоғида яшовчи С.Шеркуловдан 25.000 сўм пулларини, Дехқонобод тумани “Қизилмазор” МФЙ, Харибулоқ қишлоғида яшовчи И.Атобоевдан 50.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Савсантепа” МФЙ, Нагахон қишлоғида яшовчи А.Рахмоновдан 20.000 сўм пулларини ва Қамаши тумани “Манғит” МФЙ Буюк ипак йўли кўчаси 45-уйда яшовчи И.Мирзаевдан 50.000 сўм пулларини;

май куни Қамаши тумани “Чим” МФЙ, Ўрта-Чим қишлоғида яшовчи Э.Шерназаровдан 50.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Ўзбекистон” МФЙ, Сохил кўчасида яшовчи О.Хусановдан 60.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Р.Жовлиевдан 200.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Баландчайла” МФЙ, Чимқурғон қишлоғида яшовчи У.Буриевдан 25.000 сўм пулларини ва Қамаши тумани “Бобиртепа” МФЙ, Пасттол қишлоғида яшовчи И.Пардаевдан 100.000 сўм пулларини;

июнь куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Ш.Холияровдан 200.000 сўм пулларини;

июнь куни Қамаши тумани “Саркач” МФЙ, Лойқа қишлоғида яшовчи С.Салимовадан 100.000 сўм пулларини;

июнь куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи О.Келдиёровдан 150.000 сўм пулларини;

июнь куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Н.Боймановдан 100.000 сўм пулларини ва Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғи Дўстлик кўчаси 93-уйда яшовчи Б.Шукуровдан 90.000 сўм пулларини;

июнь куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Ф.Халиқовадан 200.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Д.Муродовдан 200.000 сўм пулларини;

июнь куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Х.Қаршиевдан 50.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Г.Арабовадан 50.000 сўм пулларини;

июнь куни Қамаши тумани “Қишлиқ” МФЙ, Қишлиқ қишлоғида яшовчи Б.Дубаковдан 300.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа қишлоғида яшовчи Б.Норбоевдан 400.000 сўм пулларини;



■ июль куни Қамаши тумани “Окгузар” МФЙ, Окгузар кишлоғида яшовчи Д.Артиқовадан 110.000 сўм пулларини;

■ июль куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа кишлоғида яшовчи Ш.Бобоназаровдан 50.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа кишлоғида яшовчи Ш.Холмирзаевдан жами 200.000 сўм пулларини;

■ июль кунлари Қамаши тумани “Улуғбек” МФЙ, Шифокор кўчаси, 51-уйда яшовчи У.Хидировдан 100.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Улуғбек” МФЙ, Шифокор кўчаси 61-уйда яшовчи Г.Ахмадовдан 100.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Самарқанд” МФЙ, Тиниқ кўчаси, 11-уйда яшовчи А.Қурбоновдан 100.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Бунёдкор” МФЙ, Кинотой кўчасида яшовчи Г.Фармоновадан 100.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа кишлоғида яшовчи Б.Тураевдан 100.000 сўм пулларини, Қамаши тумани “Савсантепа” МФЙ, Савсантепа кишлоғида яшовчи М.Авлақуловадан 100.000 сўм пулларини ва Қамаши тумани “Улуғбек” МФЙ, Адолат кўчаси, 1-уйда яшовчи С.Кучимовдан 150.000 сўм пулларини;

■ август куни Қамаши тумани “Қизилтепа” МФЙ, Қизилтепа кишлоғида яшовчи Г.Эшмаматовдан 25.000 сўм пулларини электр энергияси учун тўлов қилиш мақсадида олиб, жиноий ҳаракатларини амалга ошириш учун тўлов қитанцияларига ўзида бўлган қўл бола усулда тайёрланган “Бўбтаев Б.Э” деб ёзилган муҳрни қўйиб бериб, фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юбориб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судланувчи Б.Б суд мажлисида айбига тўлиқ иқrorлик билдириб, ■ июль кунидан ■ июлгача Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Қашқадарё вилояти Қамаши туман бўлимида “Энергия ресурслари, сув ва маиший чиқиндилар бўйича қарздорликни ундириш ва назорат қилиш шўъбаси” давлат инспектори лавозимида ишлаб келганини, давлат инспектори лавозимида ишлаб келган вақтларида, хар доим истеъмолчилардан ундирилган қарздорликларни ўз вақтида давлат кассасига ўтказиб борганини, кейинчалик ишлари юришмай қолгани сабабли истеъмолчилардан қарздорликни ундириб олган пулларини ўзини эҳтиёжларига ишлатишни бошлаганини ва давлат кассасига истеъмолчилардан ундирилган қарздорликларни топширмаганини, ■ июль кунидан ■ июль кунига қадарли Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлимида бир нечта кишидан иборат бўлган истеъмолчилар қарздорликлари учун тўлаган пулларини ўзини эҳтиёжига ишлатиб юборганини, жами 50 нафар фуқароларни электр энергиясидан бўлган қарзларини ундириб олиб, улар тўлаган 6.703.000 сўм пулларини ўзини эҳтиёжи учун ишлатиб юборганини, дастлабки терговда ушбу 50 нафар фуқароларни исми шарифи ва 6.703.000 сўм пулларни эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини билганини, қилган ишидан чин



кунгилдан пушаймонлигини, ҳозирда етказилган зарарларни депозит ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаганини билдириб, етказилган зарарни бартараф этганини ва оилавий шароитини инобатга олиб қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Шойимов суд мажлисида, [REDACTED] август куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электир энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 23.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларни тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун уни кечирганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Э.Бўтаевдан 23.000 сўм пулларни ундириб беришни ва судланувчига қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи А.Чоршанбиев суд мажлисида, [REDACTED] сентябрь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б келиб, марҳум отаси Ю.Чоршанбиевнинг электр энергиясидан 100.000 сўм қарзи борлигини айтиб, ушбу қарздорликни тўлашни талаб қилгани учун 100.000 сўмни Б.Бга тўлов қилганини, шундан сўнг 2018 йил 28 сентябрь куни ҳам Б.Б яшаш уйига келиб электир энергияси учун тўлов қилишни айтгани сабабли 515.000 сўм тўлов қилганини, тўлов қилгани учун Б.Б муҳр босилган квитанция берганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, жами тўлаган 615.000 сўм пуллари қарздорлик учун тўланмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўраганини ва етказилган зарарни депозит ҳисоб рақамга қўйганини инобатга олиб, Б.Бни кечирганини, Б.Бга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, депозит ҳисоб рақамга қўйилган 615.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Э.Бойбутаев суд мажлисида, [REDACTED] октябрь куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 100.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларини тўшмаганини билганини, шу сабабли Қамаши туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун кечирганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи С.Ҳақназаров суд мажлисида, [REDACTED] октябрь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б келиб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 300.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, Б.Б унга квитанция берганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўраганини, Б.Бдан 300.000 сўм пулларни қайтариб берса бошқа даъвоси йўлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 300.000 сўм пулларини ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Ҳ.Шаймуродов суд мажлисида, [REDACTED] ноябрь куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси



Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 46.000 сўм пулларни электр энергияси учун тўлаганини, Б.Б унга қветанция берганини, лекин орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларни тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун уни кечирганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, Б.Бдан 46.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи А.Маматов суд мажлисида, [REDACTED] ноябрь куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 30.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларни тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун уни кечирганини, Б.Бга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 30.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи У.Халматова суд мажлисида, [REDACTED] декабрь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б келиб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 100.000 сўмни Б.Бга тўлов қилганини, Б.Б унга пулни қабул қилиб олгани тўғрисида “Б.Б” деб ёзилган мухрли қвитанция берганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун уни кечирганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи А.Бозаров суд мажлисида, [REDACTED] декабрь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б келиб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 300.000 сўмни Б.Бга тўлов қилганини, Б.Б унга мухр босилган қвитанция берганини орадан бир қанча вақт ўтиб, 300.000 сўм пуллар тўлов қилинмаганини билганини ва туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилганини, судланувчи Б.Б 300.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, Б.Бдан 300.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Ж.Қиличев суд мажлисида, [REDACTED] феврал куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 100.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун уни кечирганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Р.Абраев суд мажлисида, [REDACTED] феврал куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 205.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, Б.Б пулларни олгани тўғрисида қвитанция берганини, кейинчалик пуллари электр энергияси учун тўлов базасига тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б етказилган зарарни



тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 205.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Бекмуродов суд мажлисида, [REDACTED] март куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 50.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, Б.Б унга “Б.Б” ёзувли мухр босилган квитанция берганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 50.000 сўм пулларини тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, Б.Бдан 50.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Қ.Рустамов суд мажлисида, [REDACTED] март куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 125.000 сўм нақд пулни электр энергияси учун тўлаганини ва квитанция олганини, лекин тўлаган пулларини электр энергияси учун тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 125.000 сўм пулларини қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 125.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Р.Худойназаров суд мажлисида, [REDACTED] апрель куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 64.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, Б.Б унга мухр босилган квитанция берганини, шундан сўнг орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 64.000 сўм пулларини қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 64.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи А.Хайитов суд мажлисида, [REDACTED] апрель куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 100.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини ва тўлов қилингани тўғрисида квитанция олганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни тўлаб берса унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчидан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи А.Пулатов суд мажлисида, [REDACTED] апрель куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига бориб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 80.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини ва квитанция олганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун тўшмаганини билганини ва туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилганини, судланувчи Б.Б 80.000 сўм пулларни қайтариб берса, унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судлануви Б.Бдан 80.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.



Жабрланувчи Ш.Буронова суд мажлисида, [REDACTED] май ва 2020 йил 13 май кунлари яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли жами 300.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини ва Б.Б унга тўлов қилгани тўғрисида квитанция берганини, лекин орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 300.000 сўм пулларни қайтариб бера унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 300.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Р.Сотторова суд мажлисида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 135.000 сўмни Б.Бга берганини, Б.Б унга мухр босилган квитанция берганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 135.000 сўм пулларини қайтариб берса унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 135.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Т.Шерматов суд мажлисида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, 25.000 сўм пулларни электр энергияси учун тўлов учун олганини ва квитанция берганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 25.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, 25.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи С.Шерқулов суд мажлисида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 25.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 25.000 сўм пулларни қайтарса унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 25.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи И.Мирзаев суд мажлисида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 50.000 сўм пулларни Б.Бга берганини, Б.Б унга мухр босилган квитанция берганини, лекин орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 50.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 50.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи О.Хусанова суд мажлисида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 60.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 60.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 60.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.



Жабрланувчи Р.Жавлиев суд мажлисида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун 200.000 сўм тўлов қилишини айтганини, шу сабабли Б.Бга 200.000 сўм берганини, Б.Б тўлов қилингани тўғрисида мухр босилган квитанция берганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун тўланмаганини билганини, судланувчи Б.Б 200.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 200.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи У.Буриев суд мажлисида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 25.000 сўм пулларни Б.Бга берганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, пуллари электр энергияси учун тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 25.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 25.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи И.Пардаев суд мажлисида, [REDACTED] май куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 100.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини ва тўлов қилингани тўғрисида квитанция олганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларни электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини ва туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни қайтариб берса, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Ш.Холияров суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни Қизилтепа қишлоғида жойлашган “Достонбек сифат инвест” МЧЖга Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б келиб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 200.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 200.000 сўм пулларини тўлаб берса унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 200.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи С.Салимова суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 100.000 сўм пул электр энергияси учун тўлаганини ва квитанция олганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларни электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларини тўлаб берса унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи О.Келдиёрова суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 150.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, электр



энергияси учун тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 150.000 сўм пулларни қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 150.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Н.Бойманов суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 100.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни тўлаб берса унга нисбатан бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Шукуров суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 90.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун уни кечирганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 90.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Ф.Холиқова суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 200.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 200.000 сўм моддий ва 500.000 сўм маънавий зарарни қопласа бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, Б.Бдан 200.000 сўм моддий ва 500.000 сўм маънавий зарар ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Д.Муродова суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б олиб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 200.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 200.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 200.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Г.Арабова суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 50.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, кейинчалик тўлаган пуллари тўшмаганини билганини ва туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилганини, судланувчи Б.Б 50.000 сўм пулларни қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Б 50.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Дубаков суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 300.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтмаганини билганини ва туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат



қилганини, судланувчи Б.Б 300.000 сўм пулларни қайтарса бошқа нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 300.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Норбаев суд мажлисида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 400.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 400.000 сўм пулларни қайтарса унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, 400.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Д.Артиқова суд мажлисида, [REDACTED] июль куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 110.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларни тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 110.000 сўм пулларни қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 110.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Ш.Бобоназаров суд мажлисида, [REDACTED] июль куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 50.000 сўмни Б.Бга тўлов қилганини, кейинчалик, тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 50.000 сўм пулларни қайтарса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчидан 50.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Ш.Холмирзаева суд мажлисида, [REDACTED] июль куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 100.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини ва Б.Б унга қвитанция берганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни қайтарса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи У.Хидиров суд мажлисида, [REDACTED] июль куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электир энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 400 Квт электр энергияси учун 100.000 сўм пулни тўлаганини ва Б.Б унга қвитанция берганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллар электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини ва туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилганини, судланувчи Б.Б тўлаган 400 Квт учун тўлаган пуллари қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бутаев 400 Квт электир энергияси учун тўлаган 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Г.Ахмадова суд мажлисида, [REDACTED] июль куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электир энергияси



учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 100.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, лекин ейинчалик тўлаган пулларини электр энергияси учун ўтмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи А.Қурбонов суд мажлисида, [REDACTED] июль куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 100.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, кейинчалик ушбу пуллар ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчидан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Г.Фармонова суд мажлисида, [REDACTED] июль куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 100.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, Б.Б унга тўлов қилингани тўғрисида қвитанция берганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 пулларни қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Б.Тураева суд мажлисида, [REDACTED] июль куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 100.000 сўм пулни Б.Бга тўлов қилганини, Б.Б унга тўлов қилингани тўғрисида қвитанция берганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни тўласа бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи М.Авлоқулова суд мажлисида, [REDACTED] июль куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б келиб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 100.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б 100.000 сўм пулларни тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 100.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи С.Кучимова суд мажлисида, [REDACTED] июль куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б келиб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 150.000 сўм Б.Бга тўлов қилганини ва Б.Б унга қвитанция берганини, кейинчалик ушбу тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 150.000 сўм пулларни қайтарса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 150.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.



Жабрланувчи Г.Эшмаматова суд мажлисида, [REDACTED] август куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 25.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, судланувчи Б.Б 25.000 сўм пулларини тўлаб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 25.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Э.Шерназаров суд мажлисида, [REDACTED] май куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 50.000 сўм пул электр энергияси учун тўлаганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пулларни тўшмаганини билганини, судланувчи Б.Б ундан кечирим сўрагани учун уни кечирганини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, 50.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи Г.Хамидова суд мажлисида, [REDACTED] апрел куни ижарада яшаётган яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 450.000 сўм пулларни Б.Бга берганини, Б.Ба тўлов қилингани тўғрисида қвитанция берганини, кейинчалик тўлаган пуллари электр энергияси учун ўтказилмаганини билганини, шу сабабли туман Мажбурий ижро бюросига мурожаат қилганини, судланувчи Б.Б 450.000 сўм пулларини қайтарса унга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 450.000 сўм пулларни ундириб беришни сўраган.

Жабрланувчи И.Атабоев дастлабки тергов жараёнида [REDACTED] май куни Қамаши туман Электр тармоқлари корхонасига келиб, электр энергияси учун пул тўламоқчи бўлганида, Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б тўловларни олаётганини кўриб, унга 50.000 сўм пулни электр энергияси учун тўлаганини, кейинчалик тўлаган пулларни тўшмаганини билганини билдириб, судла ариза билдан мурожаат қилиб, судланувчи Б.Б 50.000 сўм пулларини қайтариб берса бошқа даъвоси йўқлигини билдириб, судланувчи Б.Бдан 50.000 сўм пулларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи А.Рахмонов дастлабки терговда жараёнида, [REDACTED] май куни яшаш уйига Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 25.000 сўм пулни Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини билдириб, судланувчи Б.Бдан етказилган 20.000 сўм зарарни ундириб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.

Жабрланувчи Х.Қаршиев дастлабки тергов жараёнида, [REDACTED] июнь куни яшаш уйда бўлган вақтида Мажбурий ижро бюроси Қамаши туман бўлими ходими Б.Б бориб, электр энергияси учун тўлов қилишини айтгани сабабли 50.000 сўм пулларни Б.Бга тўлов қилганини, орадан бир қанча вақт ўтиб, тўлаган пуллари тўшмаганини билганини



билдириб, судланувчи Б.Бдан 50.000 сўм пулларни ундириб беришни сўраган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Бнинг қилмишини ҳуқуқий жиҳатдан малака қилинишини муҳокама қилиб, Б.Б жабрланувчиларнинг мол-мулкани такроран, хизмат мавқеидан фойдаланиб, фирибгарлик яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритишдан иборат жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан тўғри малакалаган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозим”лиги, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак”лиги, 37-бандида “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Б.Бга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда айбига иқроор ва пушаймонлигини, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини жазони енгиллаштирувчи ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат деб баҳолаб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жабрланувчиларнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инobatга олиб, юқоридаги Пленум қарори ва Қонуннинг инсонпарварлик ҳамда одиллик принципларига таяниб, Б.Бга қўйилган айб моддаси яъни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан жиноятнинг содир этилиш усулидан келиб чиқиб, ЖКнинг 45,57-моддасини қўллаб, моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, санцияда назарда тутилганидан ҳам камроқ ойлик иш ҳақидан давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатиришни, моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси муддати ҳисобга қуйилган кундан бошлаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати ойлик иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблашни, асосий ва қўшимча жазо ижросини назорат қилиш Қамаши тумани ИИБ Пробаця гуруҳи зиммасига юклатишни, эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни;



шунингдек суд, етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи Б.Б томонидан Қашқадарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақмига етказилган зарар учун тўланган 6.713.000 сўмдан жабрланувчилар Б.Шойимовга 23.000 сўм, А.Чоршанбиевга 615.000 сўм, И.Бойбутаевга 100.000 сўм, С.Хақназаровга 300.000 сўм, Х.Шаймуратовга 46.000 сўм, А.Маматовга 30.000 сўм, У.Халматовага 100.000 сўм, А.Бозоровга 300.000 сўм, Ж.Қиличовга 100.000 сўм, Р.Абраевга 205.000 сўм, Б.Бекмуродовга 50.000 сўм, Қ.Рустамовга 125.000 сўм, Р.Худойназаровга 54.000 сўм, А.Хайитовга 100.000 сўм, А.Пулатовга 80.000 сўм, Ш.Бурановага 300.000 сўм, Р.Сотторовага 135.000 сўм, Т.Шерматовга 25.000 сўм, С.Шерқуловга 25.000 сўм, И.Атобаевга 50.000 сўм, А.Рахмоновга 20.000 сўм, И.Мирзаевга 50.000 сўм, Э.Шерназаровга 50.000 сўм, О.Хусановга 60.000 сўм, Р.Жовлиевга 200.000 сўм, У.Буриевга 25.000 сўм, И.Пардаевга 100.000 сўм, Ш.Холяровга 200.000 сўм, С.Салимовага 100.000 сўм, О.Келдиёровага 150.000 сўм, Н.Боймановга 100.000 сўм, Б.Шукуровга 90.000 сўм, Ф.Холиқовага 200.000 сўм, Д.Муродовага 200.000 сўм, Г.Арабовага 50.000 сўм, Б.Дубаковга 300.000 сўм, Б.Норбаевга 400.000 сўм, Д.Артиқовага 110.000 сўм, Ш.Бобоназаровга 50.000 сўм, Ш.Холмирзаевага 200.000 сўм, У.Хидировга 100.000 сўм, Г.Ахмадовага 100.000 сўм, А.Қурбоновга 100.000 сўм, Г.Фармоновага 100.000 сўм, Б.Тураевага 100.000 сўм, М.Авлоқуловага 100.000 сўм, С.Кучимовага 150.000 сўм, Г.Эшмаматовага 25.000 сўм, М.Хомидовага 450.000 сўм ва Х.Қаршиевга 50.000 сўм ундиришни;

судланувчи Б.Бутаевдан жабрланувчи Ф.Холиқовага 500.000 сўм маънавий зарар ундиришни;

жабрланувчилар Б.Шойимов, А.Чоршанбиев, И.Бойбутаев, С.Хақназаров, Х.Шаймуратов, А.Маматов, У.Халматова, А.Бозоров, Ж.Қиличов, Р.Абраев, Б.Бекмуродов, Қ.Рустамов, Р.Худойназаров, А.Хайитов, А.Пулатов, Ш.Буранова, Р.Сотторова, Т.Шерматов, С.Шерқулов, И.Атобаев, А.Рахмонов, И.Мирзаев, Э.Шерназаров, О.Хусанов, Р.Жовлиев, У.Буриев, И.Пардаев, Ш.Холяров, С.Салимова, О.Келдиёрова, Н.Бойманов, Б.Шукуров, Ф.Холиқова, Д.Муродова, Г.Арабова, Б.Дубаков, Б.Норбаев, Д.Артиқова, Ш.Бобоназаров, Ш.Холмирзаева, У.Хидиров, Г.Ахмадова, А.Қурбонов, Г.Фармонова, Б.Тураева, М.Авлоқулова, С.Кучимова, Г.Эшмаматова, М.Хомидова ва Х.Қаршиевларга судланувчи Б.Б томонидан содир этилган жиноят оқибатида етказилган бошқа моддий, маънавий ва бой берилган зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чикса фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд,

Х У К М Қ И Л Д И:



Б.Б Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандларида назарда тутилган жинойтларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Б.Бга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан ЖКнинг 45,57-моддаларини қўллаб, 1 (бир) йил моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин.

Моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси муддати ҳисобга қуйилган кундан бошлаб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ муддати ойлик иш ҳақидан ушланган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Асосий ва қўшимча жазо ижросини назорат қилиш Қамашни тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Судланувчи Б.Б томонидан Қашқадарё вилоят ИИБ депозит ҳисоб рақмига етказилган зарар учун тўланган 6.713.000 (олти миллион етти юз ўн уч минг) сўмдан жабрланувчилар Б.Шойимовга 23.000 (йигирма уч минг) сўм, А.Чоршанбиевга 615.000 (олти юз ўн беш минг) сўм, И.Бойбутаевга 100.000 (юз минг) сўм, С.Хақназаровга 300.000 (уч юз минг) сўм, Х.Шаймуратовга 46.000 (қирқ олти минг) сўм, А.Маматовга 30.000 (ўттиз минг) сўм, У.Халматовага 100.000 (юз минг) сўм, А.Бозоровга 300.000 (уч юз минг) сўм, Ж.Қиличовга 100.000 (юз минг) сўм, Р.Абраевга 205.000 (икки юз беш минг) сўм, Б.Бекмуродовга 50.000 (эллик минг) сўм, Қ.Рустамовга 125.000 (бир юз йигирма беш минг) сўм, Р.Худойназаровга 54.000 (эллик тўрт минг) сўм, А.Хайитовга 100.000 (юз минг) сўм, А.Пулатовга 80.000 (саксон минг) сўм, Ш.Бурановага 300.000 (уч юз минг) сўм, Р.Сотторовага 135.000 (бир юз ўттиз беш минг) сўм, Т.Шерматовга 25.000 (йигирма беш минг) сўм, С.Шерқуловга 25.000 (йигирма беш минг) сўм, И.Атобаевга 50.000 (эллик минг) сўм, А.Рахмоновга 20.000 (йигирма минг) сўм, И.Мирзаевга 50.000 (эллик минг) сўм, Э.Шерназаровга 50.000 (эллик минг) сўм, О.Хусановга 60.000 (олтмиш минг) сўм, Р.Жовлиевга 200.000 (икки юз минг) сўм, У.Буриевга 25.000 (йигирма беш минг) сўм, И.Пардаевга 100.000 (юз минг) сўм, Ш.Холяровга 200.000 (икки юз минг) сўм, С.Салимовага 100.000 (юз минг) сўм, О.Келдиёровага 150.000 (бир юз эллик минг) сўм, Н.Боймановга 100.000 (юз минг) сўм, Б.Шукуровга 90.000 (тўксон минг) сўм, Ф.Холиқовага 200.000 (икки юз минг) сўм, Д.Муродовага 200.000 (икки юз минг) сўм, Г.Арабовага 50.000 (эллик минг) сўм, Б.Дубаковга 300.000 (уч юз минг) сўм, Б.Норбаевга 400.000 (тўрт юз минг) сўм, Д.Артиқовага 110.000 (бир юз ўн минг) сўм, Ш.Бобоназаровга 50.000 (эллик минг) сўм, Ш.Холмирзаевага 200.000 (икки юз минг) сўм, У.Хидировга 100.000 (юз минг) сўм, Г.Ахмадовага 100.000 (юз минг) сўм, А.Қурбоновга 100.000 (юз минг) сўм, Г.Фармоновага 100.000 (юз минг) сўм, Б.Тураевага 100.000 (юз минг) сўм,



М.Авлоқуловага 100.000 (юз минг) сўм, С.Кучимовага 150.000 (бир юз эллик минг) сўм, Г.Эшмаматовага 25.000 (йигирма беш минг) сўм, М.Хомидовага 450.000 (тўрт юз эллик минг) сўм ва Х.Қаршиевга 50.000 (эллик минг) сўм ундирилсин.

Судланувчи Б.Бдан жабрланувчи Ф.Холиқова фойдасига 500.000 (беш юз минг) сўз маънавий зарар ундирилсин.

Жабрланувчилар Б.Шойимов, А.Чоршанбиев, И.Бойбутаев, С.Хакназаров, Х.Шаймуратов, А.Маматов, У.Халматова, А.Бозоров, Ж.Қиличов, Р.Абраев, Б.Бекмуродов, Қ.Рустамов, Р.Худойназаров, А.Хайитов, А.Пулатов, Ш.Буранова, Р.Сотторова, Т.Шерматов, С.Шерқулов, И.Атобаев, А.Рахмонов, И.Мирзаев, Э.Шерназаров, О.Хусанов, Р.Жовлиев, У.Буриев, И.Пардаев, Ш.Холяров, С.Салимова, О.Келдиёрова, Н.Бойманов, Б.Шукуров, Ф.Холиқова, Д.Муродова, Г.Арабова, Б.Дубаков, Б.Норбаев, Д.Артиқова, Ш.Бобоназаров, Ш.Холмирзаева, У.Хидиров, Г.Ахмадова, А.Қурбонов, Г.Фармонова, Б.Тураева, М.Авлоқулова, С.Кучимова, Г.Эшмаматова, М.Хомидова ва Х.Қаршиевларга судланувчи Б.Б томонидан содир этилган жиноят оқибатида етказилган бошқа моддий ва бой берилган зарарларни ундириш юзасидан келгусида низо келиб чиқса фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувлар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Аслига тўғри

(имзо)

Ф.Қамбарова

